

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (11.280)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Фарғона вилояти қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов жараёни бошланди. Жумладан, Қувасой шаҳридаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланмиш Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада бўлиб ўтган сайловда энг муносиб номзод учун овоз берилди.

● Навоий шаҳрида «Гулистон» янги буюм ва деҳқон бозорлари фойдаланишга топширилди. Уларда янги павильон ва савдо дўконлари, расталар қурилди. Хусусан, 3,5 гектарлик ҳудудга эга марказий буюм бозорида 1500 квадрат метр ҳажмдаги айвон, 500 та савдо растаси ҳамда 160 та хусусий дўкон бунёд этилди.

● «Қорақалпоқхотасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимида янги корхона — «Кўнгирот брезент» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ойига 100 пгон метр тент ва парус брезент ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхонада 123 киши ишли бўлди. Корхона қошида тикув цехи ҳам очилиб, у ерда 30 нафар хотин-қиз ишга жалб қилинди.

● Навоийда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» Республика ҳудудий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● «Маҳалла» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлинимаси ташаббуси билан Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида «Ўлкамизда — олтин куз» мавзусида расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳардаги мактаб ва лицейларнинг ўқувчилари қатнашди.

● 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида жорий йилда Сурхондарё вилоятида 56 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 81 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 4 та янги мактаб бунёд этилди.

● Хоразм вилояти ногиронлари тиббий-ижтимоий ва касбга йўналтириш бўйича соғломлаштириш марказида Ахборот-ресурс маркази очилди.

● Қашқадарёдаги «Кўкдумалоқ-газ» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси бош пудратчилигида Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган Гази қонда сикв-компрессор станцияси барпо этилди. Компрессор станцияси тўлиқ ишга тушган, бир кеча-кундузда 26 миллион кубометр газ ҳайдаш имконини беради.

ЖАҲОНДА

● Сан-Паулудаги учрашув чоғида «Катта саккилик» мамлакатлари молия вазирилар глобал иқтисодий инқироздан чиқиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

● Кеча Москвада Россия ва Италия мамлакатлари ўртасида давлатлараро консултатциялар бўлиб ўтди. Ушбу жараёнда энергетика, авиасозлик каби соҳалар бўйича ҳамкорлик юзасидан бир нечта йирик шартномалар имзоланди.

● Бутан қироллиги тожи 28 ёшли Жигме Кхесар Намгьол Ванчукка топширилди. Бу билан Жигме замонавий дунёнинг энг ёш қироли сифатида тарихда қоладиган бўлди. Унинг отаси икки йил аввал тахтни ўғлига топшириб, мамлакатдаги мутлак монархия тизимини конституцион монархияга алмаштирган эди.

● Россия ҳукумати ушбу мамлакат товарлари ва хизматларини харид қилиш учун Кубага кредит ажратилишини маъқуллади. Кредитнинг энг кам миқдори 335 миллион долларни ташкил этади.

● Конго Демократик Республикасининг шарқий қисмида исёнчи генерал Лоран Нкунда аскарлари Киванья шаҳрини эгалладилар. Ушбу ҳудуддаги вазиятни ўнглаш мақсадида бугун Кениянинг Найроби шаҳрида саммит очилди.

● АКШ Эронга нисбатан иқтисодий чораларни қучайтирди.

● Кеча Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи кейинги 19 ой ичида энг паст даражага тушиб 60 долларга яқин қийматни ташкил этди.

● Ироқдаги Киркук-Жейхан нефть қувурини портлаш юз берди. Мазкур нефть ўтказгич Туркиянинг «Ботас» компанияси томонидан бошқарилади. Портлаш сабаблари тўғрисида ҳозирча маълумотлар йўқ. Айни пайтда воқеа жойида мутахассислар таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

● Кеча Владивосток шаҳрининг марказий қисмидаги автобус бекати ёнида террорчи-камикадзе аёлнинг портлаш содир этиши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 43 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Портлаш кучи 500 грамм тротил эквивалентига баҳоланмоқда. Шу муносабат билан эртага Шимоллий Осетияда мотам кўни эълон қилинди.

● Қўл телефонлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Nokia» компанияси ўзининг арзон маҳсулотларини намоиш этди. «Nokia» томонидан ишлаб чиқарилган мазкур қўл телефонларига 25 АКШ долларидан 90 АКШ долларигача нархлар белгиланган. Компаниянинг расмий сайтида ёзилишича, 25 долларлик телефон бугунги мобил алоқа бозорида «Nokia»нинг энг арзон маҳсулотидир.

ЎЗБЕКИСТОН-БОЛГАРИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕОРГИ ПАРВАНОВ 5 НОЯБРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Болгария билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз бир-бирини ишончли шерик деб билади. Шу боис халқаро майдонда Ўзбекистон Болгарияни, Болгария Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг ноидоимий аъзоллигига, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзоллигига, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгашига, ЕХТТ раислигига Болгариянинг номзодини ёқлаган. Болгария эса БМТда Марказий Осиеъни ядро қуролдан холи ҳудуд деб эълон қилишга доир резолюция муҳокамасида Ўзбекистон нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаган.

Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқиндир. Хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари ҳамфикр. Мамлакатимиз раҳбарининг 2003 йили Болгарияга давлат ташрифи асносида Георгий Парванов Ўз давлатини Ўзбекистон учун «Улкан Европа бозорига очилган кичик эшик» деб атаган эди. Ислол Каримов Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиеъга дарвоза вазирасини бажаришга тайёрлигини таъкидлаган.

Шу маънода Георгий Парвановнинг мамлакатимизга давлат ташрифини мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантқий давоми, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш йўлидаги яна бир амалий қадам, деб аташ мумкин.

6 ноябрь куни Дүрмон қароргоҳида Болгария Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали мяхмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислол Каримов ва Георгий Парванов фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Ислол Каримов ва Георгий Парванов Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг бугунги аҳоли ва истикболи, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат чоғида Ислол Каримов ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш масалала-

рини афроғлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яқши имконият эканини таъкидлади. Болгария Президентининг ташрифи Софианинг Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва самимий истак-хоҳишининг амалий далили эканини қайд этди.

Георгий Парванов Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Болгарияда ушбу ташрифга алоҳида ҳозирлик қўрилганини, эро, Ўзбекистон билан муносабатлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентлар ушбу олий даражадаги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик истикболига қатъий ишончини кўрсатишини қайд этдилар. Ҳамкорликнинг шу кунгача ортирилган бой таърибаси ва иқтисодий имкониятлар барча соҳаларда икки томонлама шериклик алоқалари қўламини кенгайтириш учун пухта замин бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ислол Каримов бу муаммага Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳақида сўзлаб, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини ўйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади. 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Георгий Парванов Ўзбекистон раҳбарининг бу муаммага оид нуқтаи назарини юксак қадрлашни, Ислол Каримовнинг амалий таклифлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар афроғлича муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» САВДО-КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИДА АНЬАНАВИЙ, УЧИНЧИ МАРТА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО «BUILA EXPO UZBEKISTAN-2008» — ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ДАСТГОҲЛАР, МЕБЕЛЬ, СИТИШ ЖИҲОЗЛАРИ ВА КОНДИЦИОНЕРЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар

Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ НАМОЙИШИ



Таъкидлаш жоизки, юртимизда мустақиллигимиз шарофати билан бунёдкорлик ишлари қўламини кенгайтиб, ҳар бир қурилаётган бино ва иншоотлар Ўзбекистонимизнинг кўркини янада ошириш баробарида уни хорижий сайёҳларга ҳам қўз-қўз қилмоқда. Шубҳасиз, ҳар бир объект қурилишида, унинг чиройи ва мустаҳкамлигини таъминлашда замон талаби даражасидаги сифатли ва рақобатбардош қурилиш ашёлари қўл келади. Ушбу йўналишда турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган маҳаллий компаниялар ва корхоналар қаторида давлатимиз томонидан яратилган кенг имкониятлар, етарли шарт-шароитлар, айнқисқа қонунчилик бобида зарур ҳуқуқий ҳимоя мавжудлиги боис хорижий ва

қўшма корхоналар сафи ҳам йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ортаётир, маҳсулот турлари ҳам кўпайиб бораётир. Халқаро кўргазма Архитектура ва қурилиш бўйича давлат кўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» АК кўмаги остида «TNT Productions, Inc.» компанияси томонидан ташкил этилди. Унда Германия, Италия, Финляндия, Япония, Буюк Британия, АКШ, Россия, Туркиянинг 45 та йирик компания ва фирмалари иштирок этмоқда.

Шу қаторда, албатта, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз маҳсулотлари билан кўргазмада кенг қатнашмоқда. «Файз», «Этикод», «Шомақсудов-Равнак», «Комфорт ЛТД», «Прогресс» каби кўплай корхоналар ва хусусий

тадбиркорларнинг кўргазмали стендлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бир-бирдан чиройли, кўркам ва мустаҳкам қурилиш ашёлари, техника ва транспорт воситалари, алюмин, пластик ва ёғочдан ром ва ашиқлар, сантехника жиҳозлари, бўёқлар, замонавий дастгоҳ ва ускуналар намоиши барчада катта қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ.

Мебель ва иситиш тизими жиҳозлари кўргазмалари давомида ушбу йўналишларда етакчилик қилаётган корхоналарнинг энг сўнгги ютуқлари билан алоҳида танишиш имконияти мавжуд.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:
 халқаро кўргазмадан лавҳалар.
 Максим Черногаев олган суратлар

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕОРГИ ПАРВАНОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА 6 НОЯБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Болгария Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилиш-энергетика, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кимё, энгил саноат, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, авиаташув, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, спорт ва маданият ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Болгария Республикаси Президентини Георгий Парвановнинг юртимизга ташрифи асносидаги олий даражадаги мулоқотлар ва ушбу бизнес-форум икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга, унинг очилмаган қирраларини кашф этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария кўплай соҳаларда улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилган, деб бўлмайди. Ўзбекистонда болгариялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Болгариянинг бешта компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон Болгарияга асосан трикотаж полотно, пахта толаси, мева-сабзавот ва полиз экинлари, рангли металл, ноорганик кимё, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни экспорт қилади. Болгариядан эса доридармон, пластмасса ва пластмассадан ясалган буюмлар, механик ускуналар, мебель, эфир мойи, қандолат маҳсулотлари, гигиена ашёлари ва атторлик буюмлари импорт қилинади.

Икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган ўттизга яқин ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир битимлар бор. Форумда Ўзбекистонда яқин

иқти маҳсулот мунтазам ўсиб бораётгани, бунда юртимизда мавжуд мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлик муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Болгариялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилиш-энергетика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги улкан салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давоми этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасидаги янгиликлар ва ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги фол сиёсий мулоқот, муносабатлардаги ўзаро ҳурмат ва ишонч Ўзбекистон-Болгария ҳамкорлигини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — деди Георгий Парванов. — Болгария делегациясининг ташрифи ва мазкур форум мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишга, икки томон учун ҳам

фойдали ва манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонманам.

Анжуманда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, банк-молия тизими, саноат, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат, мебелсозлик ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш, болгариялик ишбилармонларнинг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар афроғлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди. Биржа қатнашчилари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг янада юксалишига ишонч билдирдилар. Томонлар ўзаро иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлашга, қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олдилар.

Ирода УМАРОВА,
 УЗА муҳбири

Касба сатрларда

● ЭРТАГА Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Сардорлар мактабининг бир йиллиги ҳамда мактаб битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг ташаббуси билан 1-Педагогика коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар «Иқлим ўзгариши, экология ва инсон саломатлигининг долзарб масалалари» деб номланди.

● УТГАН кун «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида шаҳримизда яшовчи 42 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкентдан Самарқанд шаҳрига экскурсия қилишди.

● ОЛИМПИА шон-шухрати музейида Маънавият тарғибот марказининг Юнусовод туман бўлими ташаббуси билан «Ўзбекистон ёшлари — бизнинг келажигимиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

